



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI


1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 12 май, чоршанба

№39 (11.634)

Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ НУТҚИ КИТОБ ҲОЛИДА НАШР ЭТИЛДИ



Президент Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқи "Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжи-ҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ" номи билан нашрдан чиқди. Китобни Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг "Ўзбекистон" нашриёти кўп миң нусхада чоп этди.

Китобда шу йил 29-30 март ва 1 апрель кунлари мамлакатимизда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари ҳамда ҳозирги кунда бутун дунёда ташвиш тугдираётган халқаро терроризм ва диний ақидапарастлик, уларнинг аянчилик оқибатлари ҳақида атрофлича фикр юритилади.

Барчага аён бўлиши керакки, ганимларимизнинг асосий нияти Ўзбекистондаги тинчлик ва оқилолликни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга кираётган давлатимизни алдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришдир.

Китобда юртимизда миллатлараро тотувлиқни мустақамлашга, олижаноб мақсад-муддаоларга етиш

йўлида бизга хайрихоҳ бўлган давлатлар ва халқаро ташкилотлар, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга, демократик тамойиллар ва қарашлар одамларимизнинг тафаккурини чуқур жой олишига эришишимиз кераклигига алоҳида эътибор қаратилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, терроризм ва экстремизм хавфига қарши қатъият билан кураш олиб боришимиз, "Ўз уйингни ўзинг асра" деган широнинг маъносини кенг ва чуқур англаб, гўзал ва бе-такур Ватанимизнинг тинч-лигини, халқимиз оқилол-талигини кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур.

Ў.А.

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ВА АЁЛЛАР

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Стратегик ва миссиялар институтида «Сайлов кампаниясида аёллар омили» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. У Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг «Парламентаризм ва сайлов тизими муаммолари» лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Давра суҳбатида мамлакатимиздаги таниқли етакчи аёллар, Олий Мажлис депутатлари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Либерал демократик партияси, Халқ демократик партияси, «Фидокорлар» миллий демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияларининг аёллар қаноти вакиллари иштирок этди.

Мазкур давра суҳбатини ўтказишдан асосий мақсад, етқизиш партияларининг сайлов кампанияси ва сайловларда аёлларнинг иштирокини фаоллаштириш соҳасидаги тажрибасини тарғиб-бот-ташвиқот қилиш ва омаллаштириш, аҳолининг турли қатламлари сиёсий фаоллигини кучайтириш истиқболларини таҳлил этишдир. Маърузачилар парламент ироҳотлари ва икки палатали парламент фаолиятини ўзига хослиги, учинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларнинг хусусиятлари, сайлов кампаниясига аёллар электротатини жалб қилиш вазифалари каби масалалар ҳақида тўхталиб ўтдилар. Сўзга чикувчилар шунингдек, шаҳар ва қиш-

лоқ туманларидаги сайлов штаблари фаолиятининг хусусиятлари, фуқаролар ўз-ўзини бошқарув органларида хотин-қизлар фаоллиги-ни ошириш борасида олиб бориладиган ишлар тўғрисида фикр юритдилар. Ижтимоий муаммоларга, аҳолининг кам таъминланган қатламларига мақсадли кўмак кўрсатиш, аёллар бандлигини таъминлаш, кичик бизнесни ривожлан-тириш масалаларига эъти-бор қаратдилар.

Шу билан бирга сиёсий партиялар сайловолди плат-формаларининг асосий кўрсаткичлари, унда гендер муаммосини ифодаланиши таҳлил этилди. Маърузачи-лар депутатликка номзод аёлларнинг имиджи ва аёл-лар тенгқуўлиги ғоясининг оммавий ахборот воситала-рида ёритилиши масалала-ри хусусида ҳам мулоҳаза билдирдилар.

Иштирокчиларнинг чи-қишларида сайлов кампани-ясида оналик ва болалик, оила ва никоҳ муаммолари-нинг ёритилиши ҳамда жой-ларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохот-ларнинг амалга оширилаёт-ганлигига эътибор қаратил-ди.

Санд ҲАКИМОВ.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик

Тақдирот маросимини очар экан, Шлезвиг-Гольш-тейн федерал ўлкаси пар-ламенти вице-президенти ва «Гарб - Шарқ» жамияти вице-президенти Габриэле Кетчау икки мамлакат таъ-лим соҳалари ходимлари ўртасида тажриба алмашиш-ни йўлга қўйиш зарурлиги-ни қайд этди.

Тўпланганларга 1997 йил қабул қилинган ва респуб-ликада турли ихтисосдаги мутахассисларни тарбия-лашда асос бўлиб хизмат қилаётган Кадрлар тайёр-лаш миллий дастурининг асосий йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берил-ди. Мустақиллик йилларида ёш авлод Европа, жумладан,

Германиянинг етакчи уни-верситетларида таълим олиш имкониятига эга бўлганлиги алоҳида таъкид-ланди.

— Ўзбекистон билан ҳам-корликнинг истиқболи пор-лок, — дейди Габриэле Кет-чау. — Зарур ўқув маҳсулот-лари ва жиҳозлари билан таъминлаш, тажриба алма-

Аслам АҚБАРОВ,
«Жаҳон» АА.



Тошкент туманида асосий маросимлар туман маркази-да бўлиб ўтган Хотира ва Кадрлар кун кенг нишонланди. Корхона ва ташкилотларда, маҳалалар, қишлоқлар ва кўрғонларда уруш ва меҳнат фахрийлари билан қатор учрашувлар бўлиб ўтди.

Тошкент туманида асосий маросимлар туман маркази-да бўлиб ўтган Хотира ва Кадрлар кун кенг нишонланди. Корхона ва ташкилотларда, маҳалалар, қишлоқлар ва кўрғонларда уруш ва меҳнат фахрийлари билан қатор учрашувлар бўлиб ўтди.

Дастлаб ўтганлар хотирасига Қуръон тиловат қилиниб, ёдгорлик мажмуасига гулчамбарлар қўйилди. Шундан сўнг тадбирнинг иккинчи қисми тумандаги «Шохруҳ» рестора-нида давом этди. Фахрийларни туман ҳокими Сайфулла Темиров шарафли айём билан қўтлади. Уларга байрам со-ғалари топширилди.

Тўқин дастурхон атрофида ўтган шодиёналарга таниқ-ли санъаткорлар ва туман маданият уйининг ҳаваскор хо-нандалари файз киритдилар.

СУРАТЛАРДА: Тошкент туманида бўлиб ўтган маросим-дан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



ЭҲТИРОМ

Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида ҳам 9 май — Хотира ва Кадрлар кун кенг нишонланди. Корхона ва ташкилотларда, маҳалалар, қишлоқлар ва кўрғонларда уруш ва меҳнат фахрийлари билан қатор учрашувлар бўлиб ўтди.

Бир пиёла чой баҳона суҳбатлар чоғида халқи-мизнинг ардоқли фарзанд-лари ёдга олинди. Шу кунни Чиноз туманидаги Хотира хибонидида бўлиб ўтган тадбир кўпчилик уруш ва меҳнат фахрийлари, айниқ-са, ёш авлод вакиллари-нинг ёдида унутилмас кун бўлиб қолса, ажабмас.

Туман ҳокими Турсунбой Комилон митингнинг очар экан, иккинчи жаҳон уруши йилларида жасорат кўрсатган уруш ва меҳнат фахрийларини байрам билан қўтлаб, жанггоҳлар-

да жон берган, уруш жа-роҳатлари туфайли кей-инги йилларда ҳалок бўлганлар хотираси ҳам-иш ёдга сақлашни ай-тиб, мамлакатимизда кек-салар доимо эътиборда эканлигини таъкидлади. Хусусан, «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғриси-да»ги Ўзбекистон Респуб-ликаси Вазирлар Маҳма-сининг қарори ҳам умум-халқ гавҳурлиги, фахрий-ларимизга эътиборнинг яна бир ўзига хос ижоба-ти бўлди.

Митингга сўзга чиққан уруш ва меҳнат фахрийла-ри ёшлик йилларидаги жангу жадалларни, бош-ларидан кечирган қийинчи-ликлар ва оғир меҳнат жараёнларини эслаб, бу-гунги саодатли кунлари-мизнинг қадрига етиш, тинчлигимизни, хотиржа-мигимизни асраб-авайлаш учун ҳамisha муносиб ҳис-саларини қўшажақларини айтдилар.

Шу кун тадбир қатнаш-чилари майдондаги «Халоскор аскар» пойга гулчамбарлар қўйишди. «Адолат» чойхонасида уруш иштирокчилари ҳамда фах-рийлар бир пиёла чой ус-тида суҳбатни давом эт-тирдилар.

Орзукул МАЪМУРОВ.

Мен тенгдошларимга шундай мурожаат қиламан: «Эй, муқаддас Ўзбекис-тоннинг нури келажаги бўлган ёшлар! Келинглр, ҳар биримиз ана шу она-юрт, унинг муқаддас тул-роғини, халқимизнинг аза-ли қадриятларини, эриш-ган ютуқларини асраб-авайлашга, уни ривожлан-тириб, авлодларга етқа-зишга муносиб ҳисса қўшайлик. Токи, бизни яхши ном билан ёдга ол-синлар, ота-боболаридан фахрлиниб юрсинлар. Бу-нинг учун эса ҳар бир ўзбекистонлик бирдам бўлиб, тинчликнинг қад-рига етиб яшамоғи ва ку-рашмоғи лозим.

Гулнора МИРЗАЕВА,
ЎзМУ ижтимоий-сиёсий
фанлар факультети 1-
курс талабаси.

"Ўзметасабавотузмсанот-холдинг" холдинг компа-нияси ўз индустриалмаси-ни жадал ривожлантирмоқ-да. Шиша ишлаб чиқариш бўйича энг йирик заводлар-дан бири — "Асл ойна" очиқ акционерлик жамиятини ташкил этиш борасидаги ишлар амалга оширилмоқда.

ХОЛДИНГ РИВОЖЛАНМОҚДА

Холдинг мутахассислари бу заводни ташкил этиш учун кўп куч сарфлашди. Лойиҳани амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Респуб-ликаси Вазирлар Маҳма-сининг махсус қарори қабул қилинди. Бу беҳиз эмас. Мамлакатимизда мева-саб-завот санати жадал ривож-ланиб бормоқда. Деҳқон-фермер хўжалиқларининг савй-ҳаракатлари туфайли йилдан йилга кўпайиб бо-раётган она замин неъмат-ларини жаҳон бозорида ха-ридоригр юқори сифатли маҳсулотга айлантириш учун қайта ишлаш зарур.

Дисперсияланган олтин-гугурт ишлаб чиқаришга мўлжалланган яна бир за-вод шу йил ишга тушири-лади. У ҳам пойтахтимиз-нинг Сирғали туманида жой-лашган бўлиб, йилга 20 миң тонна олтингугурт иш-лаб чиқариш қувватига эга. Боғлар, узумзор, пахта да-лаларига сепиш учун зарур бу маҳсулот маҳаллий хомашёдан тайёрланади.

Ў.А.

Тинчликка интилиш рамзи

Гаагада рамзий «Жаҳон тинчлик йўлакчаси»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. У БМТнинг маъмур Гоаландия шаҳарчасида жойлашган бош судлов ор-гани — Халқаро суд биносига қиришдаги хибониди очилди. Халқаро суд биносини бу ерда «Тинчлик саройи» деб ҳам аташади.

Ўтган йил апрель ойида Гаагада инсониятнинг тинч-ликка бўлган интилишини ифода этган «Жаҳон тинчлик алангаси» ёдгорлиги қад-ростванган эди. Аланга асо-сини беш қитъадан келтирил-ган машъаллар ташкил этган. Ёдгорлик атрофида тош йўлакча ётқизиш бетақур-рор халқаро лойиҳанинг яку-ний босқичи бўлди.

Лойиҳа ташаббускори — «Хаёт халқаро жамғармаси» халқаро ноҳуқумат ташкило-ти Нидерландияда фаолият юритаётган дипломатик вако-лотхоналарга ўз мамлакатла-ридан камб тошлар келти-риш ҳақидаги илтимос билан мурожаат қилди. Бу сайёра-миз халқларининг тинчлик ва ҳамкорликка бўлган интили-ши рамзига айланиши керак эди.

«Жаҳон тинчлик йўлакча-си»нинг тантанали очилиш маросимида Нидерландияда фаолият юритаётган дипло-матик корпус ва халқаро та-шкилотлар раҳбарлари, Гаага шаҳри жамоатчилиги вакил-лари иштирок этди.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА,
Брюссель.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

САНЪАТКОР ҲАҚИДА СЎЗ

9 май — Хотира ва Кадрлар кун кенг нишонланди. Корхона ва ташкилотларда, маҳалалар, қишлоқлар ва кўрғонларда уруш ва меҳнат фахрийлари билан қатор учрашувлар бўлиб ўтди.

Халқимизнинг суюкли фарзанди, ўзбек санъати-нинг ўчмас юлдузи Бо-тир Зокиров хотирасига бағишланган кеча ҳар қачонгидан файзли ўтди. Унда Ўзбекистон халқ ар-тистлари Емол Аҳмедов, Эркин Комбаров, Ёдгор

Саъдиев ҳамда Ўзбекистон-да хизмат кўрсатган арти-стлар Жамшид Зокиров, Аб-дураим Абдувоҳобов, Му-қаддас Шожалиловлар сўзга чиқишиб, ўзларининг дил сўзларини баён этиш-ди.

Ўз мухбиримиз.

ҚИБРАЙДА САХОВАТ КУНЛАРИ

Тумандаги 14 та фуқаролар йиғини ҳудудлари бўйлаб ўтказилаётган «Саховат кунлари» тадбирлари давом этмоқда. Унинг навбатдаси туман маркази — Қиб-рай шаҳарчасида ташкиллаштирилди.

Шу кун бир қатор дав-лат ва нодавлат ташкилот-лар, шаҳарчада жойлаш-ган хусусий корхоналар ҳамда саховатпеша киши-лар кўмағида ҳудуддаги ёрдамга муҳтож ва меҳрга зор кишиларга моддий ёрдам кўрсатилди. Шу-нингдек, шаҳарчадаги бунёдкорлик ишлари,

мавжуд мактаб ва болалар боғчаларини таъмирлаш, уларга ҳоимлар эътибори-ни жалб этиш юзасидан кенгашиб олинди. Саховат тадбирини уюштиришда тумандаги «Истиқлол» ширкат хўжа-лигининг ҳиссаси катта бўлди.

Ўз мухбиримиз.

КУТУБХОНА ТўЛА КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИЛДИ

Эшонгузар. Зангиота туманида жойлашган Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежининг кутубхонаси тўла комп-ьютерлаштирилди.

Аниқ фанлар, банк иши, умумий ва ижтимоий фан-лар, умумтаълим фанлари йўналишлари бўйича дарс-ликлар, ўқув-қўлланмалари ҳамда маърузалар матнла-ри алоҳида-алоҳида комп-ьютерлар хотирасига ки-ритилди. Эндиликда тала-балар курс ва диплом иш-лари, турли маърузаларни тайёрлашда кутубхона

компьютерларидан фойда-ланиб, ўз билим ва қўник-маларини тобора чуқур-лаштириш имкониятига эга бўлдилар.

Хошимхон
ШАРОФХОНОВ,
Тошкент банк ҳисоб-
кредит коллежининг
2-босқич талабаси.

ГИЛАМДА «ТУРОН»ЧИ ҚИЗЛАР

Республикаимиз миқёсида хотин-қизлар ўртасида жис-моний тарбия ва спортни тарғиб этиш ва ривожлан-тириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётган.

Ушбу мақсадга қара-тилган тадбирлардан бири Тошкент туманида бўлиб ўтди. Турон якка-кураши бўйича ўтказил-ган ушбу Тошкент вило-яти очик биринчилигида 100 нафардан зиёд 8 ёшдан 13 ёшгача бўлган қизлар иштирок этди. Икки кун мобайнида кескин ва мurosасиз тарз-

да ўтган мусобақанинг яку-ний натижаларига қўра, би-ринчи ўринни Тошкент ту-манининг «Турон» қизла-ри эгаллади. Иккинчи ўрин пойтахт вакилларига насиб этди. Янгийўл туманидан келган иштирокчилар шох-супанинг учинчи ўринини банд этишди.

Ҳуришда НАЗАРОВА.

Хамкорлик робиталари

Ўзбекистон-Япония:

ОПТИК-ТОЛАЛИ КАБЕЛ ҚИСҚА МУДДАТДА ЁТҚИЗИЛДИ

Ўзбекистонда 10 ойда 2000 километр оптик толали кабел ётқизилди. Телекоммуникация соҳасида ўзига хос рекорд қайд этилди. У Ўзбекистон ва Япония алоқачиларининг қўшма лойиҳасини амалга ошириш доирасида қайд этилди.

"Салин FS" компанияси ва "Алоқинвест" акциядорлик жамияти оптик толали кабелни (ОТК) ётқириш, монтаж қилиш ва синаш ишларини бажарди. Лойиҳа мутахассислари қисқа муддатда юқори натижага эришганини алоҳида қайд этишмоқда. Бу меҳнатни тўғри ташкил этиш самарасидир. Таққослаш учун айтиш мумкин, Трансисиб-Европа ОТКнинг Ўзбекистондаги участкаси (885 км) икки йилу икки ойда ётқизилган эди.

JBIC лойиҳаси директори, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари Аъзам Избосаровнинг сўзларига қараганда, ОТКни ётқириш - республикамизда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон-Япония қўшма лойиҳасининг фақат бир қисми. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Япониянинг JBIC банки ўртасида имзоланган меморандумга кўра лойиҳани амалга ошириш учун 12 692 миллион япон иенаси миқдорига имтиёзли кредит ажратилди.

Лойиҳага кўра мамлакатнинг тўрт шимоллий ҳудудидида рақамли телефон станциялари, Қарши ва Фарғонада ав-

томатик халқаро телефон станцияси, кўплаб узатиш тизимлари, юзлаб километр оптик толали кабел, абонентларнинг симсиз улашиш тизимлари, радиореле станциялари, теле ва радиоузаткичлар ўрнатилиши кўзда тутилган.

Бундай катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш учун халқаро тендер ўтказилди ва унда Япониянинг "Мицуи" ва "Марубени Корпорейшн" компаниялари ғолиб чиқди. Улар субподратчи сифатида таниқли хорижий фирмаларни ҳам жалб қилди. Тузилган шартномаларга кўра ҳозирда ҳамма жойда ишлар олиб боришмоқда.

Бироқ, аввал пудратчилар мамлакатимиз мутахассисларини Япония, Бельгия, Хитойда ўқитди. Ҳозир улар супервизорлар (мутахассис-монтажчилар) билан бирга коммунал қўшма станциясини монтаж қилмоқда ва синамоқда. Қаршида автоматик халқаро телефон станцияси синовдан ўтказилди. Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятларида ўн етти та рақамли телефон станцияси, Фарғона вилоятида умумий сифими 3450 порт бўлган АХТС ўрнатилди.

Анджон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд,

Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 114 та узатиш тизими ва бешта радиореле станциясини монтаж қилиш ишлари якуниланди.

Шунингдек, "Марубени Корпорейшн" компанияси билан абонентларнинг симсиз улашиши ускуналарини етказиб бериш, ўрнатиш ва синаш бўйича шартнома имзоланди. "Люцент Техноложис" (АҚШ) ва "Ўзбектелеком" АҚ мутахассислари тадқиқот ишларини якунига етказишди.

Бухорода иккита ТВ-узаткич фойдаланишга топширилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларида ТВ-узаткичлар синовдан ўтказилди. Қашқадарё вилоятида монтаж ишлари олиб боришмоқда.

JBIC лойиҳасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари туман марказлари тўлиқ рақамлаштирилди, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида эса бу иш 70 фоиз бажарилди. Лойиҳа юз фоиз ниятсизга етган, қолган вилоятларнинг туман марказлари ҳам рақамлаштирилади.

Бундан ташқари республика ҳудудидида 100 дан ортиқ теле ва радиоузаткичлар ўрнатилади. Улар фойдаланишга топширилгандан кейин давлат телевидениеси сифати анча яхшиланади.

Виктор НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Маҳмуд Қошғарий номидаги Тошкент вилоят педагогика институтини илмий-амалий анжуман бўлиб ўтиб, у «Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар мавзусига бағишланди».

Ушбу тадбир Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети олимлари билан ҳамкорликда ўтказилиб,


анжуманни институт ректори, профессор Равшан Ашуров очди ва тақдим этилган маззур юзасидан атрофлича фикр юритди. Низомий номидаги ТошДПУнинг янги педагогик технологиялар бўйича бош мутахассиси, профессор Нурали Саидхамидовнинг маззур юзасидан қилган маърузаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

Истеъмолчи

Электр энергиясини бебаҳо бойлик ва бошқа шу каби иборалар билан таърифлашлари бежиз эмас. Унинг энг кичик ўлчоғи бирлиги бўлган бир киловатт-соати ҳам каттагина қувват манбаи ҳисобланади. Кўзга қўйилмас бу қудратли куч йирик-йирик корхоналарни ҳаракатга келтиради, турнамизни чароғон, ҳаётимизни фаровон қилади. Мутахассисларнинг айтишича, бу энергия ҳосил бўлиб, истеъмолчига етиб борулганда, йиғирма саккизта жараёндан ўтар экан. Уни ҳосил қилиш низоҳатда машаққатли ва мураккаб эканлигини шундан ҳис қилиш мумкин.

Нурхоналарни, электр узатиш тармоқларини, трансформатор станцияларини доим соҳада ушлаб туриш, истеъмолчиларга ҳаётбахш нури бир маромда, узлуksиз ва сифатли етказиб бериш учун уларни мунтазам янгиллаш, таъмирлаш ва сошлаб туриш керак. Бунинг учун катта ҳажмдаги маблағ зарур бўлади. У эса гойибдан келмайди, энергетиклар истеъмолчиларга кўрсатган хизмат, электр энергия учун тўланадиган тўловлардан тўланади. Улар вақтида тўлаб турилса, хизмат ҳам бир маромда кўнгулдагидек кўрсатилмаверади. Истеъмолчилар томонидан электр энергия ҳақини тўлашдаги узилиш, муддатини кечиктириб юбориш каби салбий ҳолатларнинг барҳам топилаётгани катта қийинчиликлар туғдиришмоқда. Оқибатда электр энергияси учун дебитор қарздорлик камаймаяпти. Шунинг айтиш қийоғи, жорий йили мизнинг биринчи чораги охирига келиб, бундай қарздорлик эъди 26,4 миллиард сўми ташкил этиди. Бу қарздорнинг асосий қисми, яъни 16,5 миллиард сўм ёки 62,5 фоизи йирик истеъмолчи корхоналар улушига тўғри келади. Биргина Олмалик кон-металлургия комбинатининг қарздорлиги 6 миллиард сўмдан ҳам ошиб кетган. «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси



«ПОЁНДОЗ» СУРЪАТНИ ОШИРМОҚДА

Олмалик шахрида ишлаб чиқаришга хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўлидаги савий-ҳаракатлар йил сайин кучаймоқда. Шу тўғрисида чет эллик сармоядорлар иштирокида қўшма корхоналар барпо этиляпти. Ҳозир шахарда бундай ишлаб чиқаришлар сони ўнлабдан ошиб кетди. «Поёндоз» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси уларнинг бири. Бу ерда ҳар кун 5 минг квадрат метр атрофидида шолча-силла поёндоз тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилаяпти.

Ҳозирги кунда қўшма корхонада Германиядан келтирилган поёндоз ишлаб чиқаришга ҳамда унга гул бошига мўлжалланган иккита технология «Дило» ва «Текер» линияларидан фойдаланиляпти. Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом


ашёлар шу ернинг ўзидида тайёрланмоқда. Бир қисми Эрондан келтириляпти. Чет эллик шериклар асосан полипропилен толасини етказиб бериляпти. Маҳсулот буюртмачининг истаги билан қизил ёки ақил рангда, эни 2 метрдан 4,6 метргача

кенгликда тайёрланипти. Шу кунларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга ҳозирлик кўришмоқда. Яқин ойлари ичида битта ишлаб чиқариш мажмуини фойдаланишга топшириш юзасидан тайёргарлик бормоқда. Шу тадбир тўғрисида яна йиғирма бешта ишчи ўрни яратилади.

Собир ҲАМИДОВ.

СУРАТЛАР: илгор оператор Мурод Туманов; корхона цехларидан бирида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



СОЛИҚ – ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Солиқларнинг пайдо бўлиши давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Демак, солиқлар энг қадимги молиявий институтдир. Давлат бажарадиган вазифалар ва қонун-қондалар маблағ талаб этади. Албатта, бу маблағ солиқ ва тўловлар эвазига йиғилади ва бюджетнинг даромадлар қисmini тўлдирарди.

Қадимги давлатлардаги давлат хазинаси ҳам солиқлар эвазига тўлдирилган. Солиқлардан тушган маблағ давлатнинг керакли вазифаларига сарфланган. Масалан, А. Темур даврида халқдан йиғилган солиқлар мамлакатни ободонлаштиришга, мақбара, мадрасалар қуришга, илм-фан ва адабиётни ривожлантиришга, мамлакат ҳарбий муҳофазасини таъминлашга ишлатилган.

Ўзбекистонда ҳукумат идораларининг республика ҳукумати ва маҳаллий ҳукуматда бўлиниши асосида умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқларга бўлинади. Умумдавлат солиқларидан тушган маблағ муҳофа, аҳолиёқилишнинг саклаш, ижтимоий-маданий тадбирларга, иқтисодий соҳаларга, аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга ва мамлакатда тартиб-интизом ўрнатишга сарфланади. Маҳаллий ҳукуматлар асосан меҳнаткашларга яқин бўлганидан улар ижтимоий масалалар, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради.

Солиқ тўловчилар, яъни ҳуқуқий ва жисмоний шахслар бюджетга тўлаган солиқлар билан республикамизнинг иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшган бўладилар.

Малика МУҲАММАДАМИНОВА, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети таълим ва солиққа тортиш кафедраси ўқитувчиси.

ҲАҚИНИ ВАҚТИДА ТЎЛАШ ҲАМ КЕРАК

2004 йилнинг 1 апрель ҳолатига шаҳар ва туманлардаги 822 та корхона, ташкилот ва кўплаб хонадонлар фойдаланилган электр энергияси учун қарздор бўлиб турибди

эса, энергетиклардан 2 миллиард 155 миллион сўм қарз. Чирчиқдаги қатор электр энергиясини кўп ишлатадиган мижозларнинг қарздорлиги камаймаяпти. Масалан, «Электр қимёсаноти» ишлаб чиқариш бирлашмаси қарздорлиги 1 миллиард 431,2 миллион сўмга етган бўлса, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлургия комбинати фойдаланилган нур ҳақининг 1 миллиард 364 миллион сўмини тўлаганича йўқ. Айрим бинокорлик ашёлари саноат корхоналарида ҳам шундай ҳолат ҳукм сурмоқда. Чунончи, Бекобод цемент комбинати энергетиклардан 756,8 миллион сўм, Оҳангарон цемент комбинати эса, 549,8

ташкilotлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Кишлоқ ҳўжалик истеъмолчиларнинг қарзи 1,65 миллиард сўмга етган бўлса, бюджет ташкilotлари ҳам ундан қолшмаяпти ва уларнинг қарздорлиги ҳозирча 688,8 миллион сўмини ташкил этиб турибди. 2004 йилнинг 1 апрели ҳолатига ҳаммаси бўлиб, 822 та корхона ва ташкilot электр энергия учун қарздор. Тўғри кейинги вақтда корхона ва ташкilotларнинг қарздорлиги бир мунча камайди.

Жорий йилнинг биринчи чорағида дебиторлик қарзларини ундириш учун айрим чора-тадбирлардан фойдаланилди. Чунончи, шу даврда

56,9 миллион сўмлик қарзлар мажбурий ундирилди.

Корхона ишчи-хизматчиларини вилоятдаги 491 мингта хонадоннинг электр энергияси билан таъминлашяпти. Яқин уч йил ичида таъминотни янада яхшилашга қаратилган савий-ҳаракатларни кескин қийайтириш назарда тутиляпти. Бунинг учун манзилли дастур ишлаб чиқилди. Унда хонадонларга нур етказиб беришни тартибга солиш ва сифатини ошириш, мажҳуд электр узатиш тармоқлари, асбоб-ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш, янгилашни қуриш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар белгиланган. Уларни тўла амалга ошириш учун катта ҳажмдаги

аҳоли томонидан электр энергиясидан фойдаланишнинг аҳоли тежирилганлиги, жуда кўп бошқа ноқонуний ҳолатларига ҳам дуч келинди. Жумладан, 2837 хонадон нури уғрича ишлатиш мақсидида электр хисоблагичларни тўхтатиб қўйишнинг маълум бўлди. Шу билан бирга давлат стандарти таъминотини бўзилиши, ўзбошимчилик билан ёки хисоблагичсиз электр узатиш тармоқлари қуриш ва бошқа шу соҳани ривожлантириш юзасидан белгиланган режаларнинг бажарилишига тўсиқ бўлиб қолмаслиги керак.

Тошкент тумани Навоий номли ширкат ҳўжалигидаги

Яқинда Американинг "Америкерс" инсонпарварлик ташкилоти томонидан "Соғлом авлод учун" халқаро ноҳукумат хайрия жамғармасига берилаган мурувват ёрдами қиймати 3,5 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

«АМЕРИКЕРС» — ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИГА

Бу ёрдамни республиканинг даволаш ва соғломлаштириш муассасалари олади. "Соғлом авлод учун" жамғармасида дори-дармонлар, тиббий анжомлар, санитария ва гигиена воситаларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ёрдамни олувчилар орасида Таянч-ҳаракат тизими жароҳатланган ногиронларни соғломлаштириш республика маркази, Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти, Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институти, 1-ТошДавТИ ва 2-ТошДавТИ, Тошкент шаҳар 6-тўғруқ мажмуи ва бошқа ихтисослашган муассасалар бор.

Хайрия ёрдамнинг бир қисми "Соғлом авлод учун" жамғармасининг ҳудудий бўлинмаларига берилди ва улар жойларда ёрдамни тақсимлаш билан шуғулланади. "Америкерс" - жаҳондаги энг йирик хайрия ташкилотларидан бири бўлиб, дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатда ёрдам кўрсатади. У кўп вақтдан бери "Соғлом авлод учун" жамғармаси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонга умумий қиймати 40 миллион долларга тенг мурувват ёрдами келтирилди.

А. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

«Телесервис»нинг қафолатли хизмати

Аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришда хизмат бозорини, хусусан, маиший хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

"Телесервис" маркази телевизор, видео ва аудио магнитофонлар, музлатгич ва совутгичлар, микро-тўқинли иситгич мосламалари, чангютигич, радиотелефон, дазвол ва компьютер техникасига хизмат кўрсатишга ихтисослашган йирик корхоналардан. Корхонада жорий йилда бир ярим мингга яқин мижозга 10 миллион сўмликдан зиёд сифатли хизмат кўрсатилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан анча кўпдир.

Лазиз РАҲМАТОВ, ЎЗА мухбири.

«ЭКОЛОГИЯ ВА ДИПЛОМАТИЯ»

Унда дипломатлар, тегишли вазирлик ва идора раҳбарлари, эколог-олимлар, «Экосан» Тошкент клубининг аъзолари иштирок этиди.

— Ер қуррасининг барча минтақаларидаги мавжуд экологик муаммоларни бартараф этишда халқаро ҳамкорлик муҳим роль ўйнайди, — деди «Экосан» халқаро жамғармаси раиси Юсуф Шодиметов. — Анжумани ўтказишдан мақсад, мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат.

Анжуманда инсониятнинг ташвишга солаётган ва дунёнинг истаган ҳудудидида мавжуд бўлган экологик муаммолар ва уларни бартараф этишда зарур лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш хусусида сўз юритилди. Атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш борасида қабул қилинган халқаро декларация ва конвенцияларнинг бажарилишида дипломатиянинг роли мавзунда маърузалар қилинди. Муаммоларни бартараф этиш жараёнида дипломатик корпус ва миссиялар иштирокини янада фаоллаштириш, халқаро ҳамкорликда экологик масалаларни сиёсат даражасига кўтариш масалалари муҳокама этилди. Хусусан, бу борада Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти ҳузурида Экологик сиёсат бўйича қўмитани ташкил этиш, халқаро молиявий ташкилотларнинг экологик йўналишдаги лойиҳа ва дастурларга ёрдамни янада кучайтириш каби тавсиялар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Алоуддин ҒАФФОРОВ, «Туркистон-пресс».

2004 йил 4 май кунини ўтказилган аукцион савдосида Қуйичирчиқ тумани ҳудудидида жойлашган сатҳи 0,06 гадан бўлган 28 та ер майдони 1.853.000 сўмга, Оҳангарон туманида жойлашган сатҳи 0,04 гадан бўлган 12 та, сатҳи 0,06 гадан бўлган 12 та ер майдони

1.499.000 сўмга, Паркент тумани ҳудудидида жойлашган сатҳи 0,04 га бўлган 1 та ер майдони 120.000 сўмга сотилди ва Тошкент вилояти Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш бошқармасига қарашли НЕКСИЯ русумли, давлат рақами 10

АО 202, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси 1.800.000 сўмга сотилди.

2004 йил 3, 5, 7 май кунлари ўтказилган биржа савдоларида Қибрай тумани ҳудудидида жойлашган 8 та нодават қурилиши тугаллан-

маган уй-жой бинолари жами 2.030.000 сўмга ва Тошкент, Чирчиқ шаҳарлари ва Паркент, Бекобод, Қибрай, Юқоричирчиқ туманлари ҳудудидида жойлашган 9 та нодават қўшмас мулк объектлари жами 159.650.000 сўмга сотилди.

ХЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

"RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO`LIMI" MCHJ

Сизларни 2004 йил 15, 22, 29 июнь кунлари соат 12 да ўтказилган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади. Савдога қўйиладиган қўйилди:

1. Чирчиқ шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдирш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши бел-

гиланган Чирчиқ шаҳар, Э. Селямет кўчасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 4 та ер майдони. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 103.840 сўм.

2. Чирчиқ шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдирш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши бел-

гиланган Чирчиқ шаҳар, Б. Машраб кўчасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 3 та ер майдони. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 103.840 сўм.

Ушбу ер майдонлари савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун

10 фоизлик закатал пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги аукцион савдоларида сотилмаган қолган ёки савдо натижаси беқор қилинган қўшмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннахр қўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

«Бахт-иқбол... ҳуқуқига эгаман» курик-манловига

Мурғаккина бу қизалоқ тақдирида машғум битик ёзилган эканми, илк баҳор кунларининг бирида уни Янгийўла шаҳридаги «Кичкинтой» вилоят гўдаклар уйида қолдириб кетишди. Нақадар аянчли, кишини ларзага солувчи ҳодиса. Милиция ходимлари гўдакни Уртачирчиқ туманидаги ташландиқ ахлатхонадан топиб олишган эди. Яратганининг марҳамати билан гўдак тирик қолгани, қолаверса, янги кун арафасида топилагани учун қизалоққа Наерўза деб исм қўйишди. Ким билади, бағритош она мана шу гўдакни дунёга келтириб, меҳрга зор-интизор қилгани учун ҳаётнинг не-не қўйларига тушиб юргандир.

Янгийўла шаҳридаги ушбу «Кичкинтой» гўдаклар уйи 1997 йили вилоят ҳокимининг қарорига биноан ташкил этилди. Эски боғча қайта таъмирланиб, қулай шароитлар яратилди. 1998 йил 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини арафасида ишга туширилди. Дастлаб, Ангрен шаҳридан тўрт нафар гўдак қабул қилинди. Йил охирига келиб, уларнинг сони 22 нафарга етди.

— Бу ерда асосан етти кунлик чақалоқдан бошлаб, уч ёшгача бўлган болалар тарбияланади, — дейди гўдаклар уйи раҳбари Тоҳира Исмоилова. — Ҳозир бешта гуруҳда 60 нафар бола бор. Уларнинг энг кенжатоши шу кунда уч ҳафталик чақалоқ. Уларнинг аксарияти турғуқхоналарга, кўча-кўйларга ёки гўдаклар уйининг дарвозаси тагида ташлаб кетилган. Тақдирининг аччиқ қисмати кирангки, шу йил май ойининг дастлабки кунларида уч маротаба ана шундай воқеа ўз берди.

Мустанкил йилларида ҳукуматимиз томонидан меҳрибонлик уйларига алоҳида эътибор қўратиш бошланди. Бу ерда тарбияланувчиларга барча шарт-шароитлар яратилган. Шаҳар, туман ҳамда вилоят ҳокимликларида масъул раҳбарлар белгиланган бўлиб, болаларга ғамжўрлик қўрсатишмоқда. Жами-

бар инсонни учратиш қолдим. Мамнуниликлар шундай кўриниш турипти. Яна бир қизалоқни фарзанд қилиб олиш ниътилари борлигини айтишди.

Қисматни қаранг, кимдир меҳрибонлик кўрсатишни чин дилдан истади-ю, кимлардир Яратганининг улуг марҳаматидан юз ўгиради. Гўдаклар уйига олиб келинаётган нораси-

яшар. У исми Фулом эканлигида бошқа ҳеч нарсани билмайди. Тенг-курларига анча кўникиб қолди. Буни қарангки, ота-онаси, ақинлари ҳақида сўралганда гўёки катта одамлардек қалғитишга уринади. Лекин шунга қарамай дарвоза ортида туриб олиб, ҳар кун онасини кутаверади...

Утган олти йил ичида уч

— Болалар билан машғул олиб борилганда, — дейди катта тарбиячи Саодат Солиева, — аввало уларда нутқни ўстириб, те-варак-атроф билан таништирилади. Улар билан Халқ таълими вазирлигининг «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури асосларида машғул ўтказилади. Ўн олти нафар тарбиячи болаларга ўз оналари каби меҳр беришга ҳаракат қилишади. Имкон қадар ҳар бир боланинг қалбига кириб боришга интилишади. Шу сабаб меҳр қозонишганлиги боис, жажжи болажонлар уларни «ая» деб қақришади.

Шу ўринда бир воқеани тилга олсак. Бир оилада жанжал чиқди. Натижада она боласидан воз кечиб, гўдаклар уйига ташлаб кетди. Унинг бу қарорга келишига боланинг ногиронлигию бағритош буви-сининг қистовлари сабаб бўлибди. Аёл менга касал бола керакмас, деб ушбу қарорга келишга мажбур бўлган. Боланинг отаси бир ҳафта ўтиб, ҳабар топиб келди. Гўдакни ўз бағрига олиб кетмоқчи. Ҳозир барча ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

«Кичкинтой» вилоят гўдаклар уйига турли ташкилотлар, корхона ва шахсий одамлардан кўплаб муруват ёрдамлари кўрсатилмоқда. Барча эҳтиёжлар биринчи навбатда давлат томонидан таъминланади. Шундай бўлса-да, ушбу норасида гўдаклар қисматини енгиллаштириш, уларни баркамол фарзандлар қилиб воёга етказишга аҳд қилинган, бу гўдаклардан меҳр-муруватларини дариг тутмайдиган бағрикенг одамлар бисёр.

Ҳасанбой САЎДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Истеъмолчи

РЕКЛАМА ХАРИДОРНИ ЧАЛҒИТМАСИН

Маиший техника воситалари бозори қизиган бугунги кунда улар ҳақидаги рекламаларнинг ҳам адоғи йўқдек. Ҳар қадарда телевизор, магнитофонларнинг юзлаб хили ҳақида маълумотлар билан бир-биридан қулай хизмат ва кафолатлар ҳақидаги ваъдалар кишининг бошини айлантириб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас.

Фуқаро С.Бучнев LG русумидаги видеомагнитофони "Централ сервис LG" корхонасининг уч йил кафолатига ишониб, сотиб олганди. Лекин, кўп ўтмай,

буюм ишдан чиқди. Тузатириш учун уни тегишли корхонага олиб бориб, ёлғон рекламага чув тушганини пайкади. "Истеъмолчилар ҳуқуқ-

ларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига кўра, нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) тугайли истеъмолчиға етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Шунга асосан, С.Бучнев Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига яроқсиз товарни топшириб, пулини қайтиб олди.

Н. АБДУРАЙМОВА,
ЎЗА мухбири.

Қарор ва ижро

ЕР ВА ИНФРАТУЗИЛМА ЭГАСИНИ ТОПДИМИ?

Республикамиз Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Фармони амалга ошириш чора-тадбирларига бағишланган қарорига мувофиқ бу йил биргина Окқўрғон туманининг ўзида тўртта ширкат хўжалиғи тугатилиб, улар негизда юридик шахс мақомига эга бўлган 122 та фермер хўжалиғи ташкил этилди. Шундан 106 таси пахта ва ғалла, 15 таси боғ ва узумзор, биттаси қорачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган.

Фермер хўжалиқларига айлантирилган тўртта хўжалиқнинг ишис қолган 2126 аъзосидан 1798 нафари янги ташкил этилган, ҳамда экин майдонини кенгайтирган фермер хўжалиқларига шартнома асосида ишга қабул қилинди. Ёши етганлари ўз истаги билан пенсияга чиқди ва қолганлари меҳнат биржаси орқали ишга жойлаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, тугатилган хўжалиқлар ҳақиқатан ҳам ноқор, сунуқли зарар кўраётган, дебитор ва кредиторлик қарзлари кўпайиб кетган, оқибатда аъзоларнинг иш ҳақидан ўн миллион сўмлаб қарздор бўлиб қолган эди. Машина-трактор парклари қаровсизликдан тўзиб, хароб ҳолга келиб қолган, техника воситалари эскириб, тўқилиб, пароканда бўлганди. Даромад ҳақида эса, гапирмасча ҳам бўлади. Шу боис аъзоларнинг кўнгли совиб, ёлғитиб ишламай қўйишганди.

— Ростини айтсам, айни баҳор эшик қоқадиган пайтда бир йўла тўртта хўжалиқни тугатиб, ерларини даъвогар фермерларга бўлиб берсак, қўламаги чигит экиш нима бўларкин, деб чўчиган эдик, — дейди туман кишолқ ва сув хўжалиғи бошқармаси бошлигининг муовини Шавак Мухторов. — Хайриятки, бекорга ташвишланган эканмииз. Натижа биз кутганимизнинг акси бўлиб чиқди. Илгари айнан шу хўжалиқларда қўламаги дала ишлари чўчилиб, чигит экиш кечилиб, ҳосилнинг тайини бўлмай, режалар ҳам ўлжа-ўлжа қилиб кетарди. Бу йил эса, чигит хар йилгидан эрта ва қисқа муддатларда экиб олинди. Ўғит, ёнғили таъминотлари ҳам тўла изга тушиб қолди. Бу — ер ҳам, янги ташкил этилган инфратузилмалар ҳам ҳақиқий эгасини топганидан, албатта. Фермерлар ҳам, ўғит, ёнғили-мойлаш шахобчалари, муқобил МТПларнинг раҳбарлари ҳам ўзаро тузилган шартномага мувофиқ вақтида ва тўлиқ олди-берди қилиш-япти, ўртада узилишлар йўқ. Бунинг сабаби — биринчидан, янги фермерлар ернинг қадрини биладиган, деҳқончиликда суяга қотган кишилар. Чунки улар қўлгина даъвогарлар орасидан тендер асосида танлаб олинган. Иккинчидан, уларга хизмат кўрсатадиган инфратузилмаларнинг раҳ-

барлари ҳам ўз соҳасининг етук мутахассисларидир. Биз собиқ «Маданият» ширкат хўжалиғи негизидан ташкил этилган фермер хўжалиқлари ва инфратузилмалар раҳбарлари билан суҳбатлашганимизда юқоридаги фикрнинг тўғри эканлиғига ишонч ҳосил қилдик. Муқобил МТП ширкат хўжалиқининг эски техника саройи ўрнида ташкил этилган. Бинонинг яқинда тубдан таъмирланиб, сифатли пардозланган кўриниб турибди. Катта кўчадан МТП дарвозасигача бўлган 50 метр чамаси узунликдаги кенг йўлга асфальт ётқизиш учун шалғул тўқилиб, шиббаланган. Унинг икки томонидаги тахминан 20 сотиҳ ер қафдек текисланиб, ҳайдалиб, турли хил мевали дархат ва гул кўчатлари экилган. Атрофига янги панжара ўрнатилиб, бўяб қўйилган.

Бирок, ички саҳнадаги ишлар ҳали охирига етмаган. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки, сарой обдон хароб ҳолга келиб қолган эди. Уни бутунлай янгилаб олиш учун вақт керак. Режа эса, тайёр. Собиқ саройнинг тенг ярми муқобил МТП учун етиб-ортади. Шу майдон эски техника қўлдикларидан тозаланиб, тартибга келтирилади. Ҳадемай, саҳннинг икки четига техника таъмирланганидан ва сақланадиган усти ёпиқ хоналар қуришга киришилади. Саҳн эса, асфальтланади. Қолган ишлар ҳам имконият ва талаб-эҳтиёжга қараб давом эттирилади.

Энг муҳими эса, МТПда фермер хўжалиқлари эҳтиёжини қондирадиган даражада техника бутланган. Собиқ ширкат хўжалиғидан қолган техникалардан 4 та ҳайдов, 8 та чопик тракторлари, 8 та култиватор, 8 та саялка зудлик билан таъмирланди. Илгари шу хўжаликда 70 гектар майдонда фермерлик қилиб келган Ўткир Йўлдошев муқобил МТПга раис этиб тайинланган, ўзининг учта култиватор, 2 та саялкасини ҳам қўшди. Бундан ташқари фермерларнинг ўзларида 4 та ҳайдов трактори, 11 та култиватор, 4 та саялка бор. Чигитини вақтида экиб олишни таъминлаган ана шу техника воситалари энди ғўза ниҳолларига сифатли ишлов беришга хизмат қилаяпти. Фермерларга хар томонлама қулай бўлиши учун минерал ўғит ва ёнғили-

мойлаш ашёлари шахобчалари ҳам МТП билан ёнма-ён ташкил этилди. Катта сифимдаги ўнга ақин нефт цистерналари махсус тақлиқларга ўрнатилди, атрофи панжара билан ўралиб, бўяб қўйилди. Минерал ўғитлар эса саройнинг этагидида вақтинча таъмирланган хоналарда сақланиб, тарқатилмоқда. Шаҳобчани янгида ташкил этиш режаси ҳам тузиб қўйилди.

Бу ишларнинг ҳаммаси 2-2,5 ой ичда амалга оширилди. Аммо, фермер ва муқобил МТП раислари билан суҳбат чоғида янгича бошланган ишлар жараёнида баъзи муаммолар юзага чиқаётгани маълум бўлди. Масалан, МТП техникасини буюртма билан олган фермер, уни ёнғили билан ҳам таъминлаши керак. Демак, ёнғилини вақтида келтириб қўйиши лозим. Табиийки, хусусий фермер ортиқча харажат қилмаслик учун ёнғилини кераклича олади ва ишлаётган техникага ўлчаб беради. Оқибатда, баъзан шундай ҳоллар ҳам юз бераптики, МТП ёнғилиси тугаб қолган техникасини фермернинг даласидан судраб олиб кетишга мажбур бўлаяпти.

Иккинчидан, МТПларнинг ички эҳтиёжлари учун ҳам ёнғили зарур. Айтайлик, таъмирлаш жараёнида тегишма воситаларини бир жойдан иккинчи жойга олиб қўйиш, ёки юргизиб, таъмирланган ва янғисига алмаштирилган қисмларини ишлайтиб, синаб қўриш лозим бўлади. Бунинг учун ёнғили керак. Аммо, МТПларга ёнғили берилмайди. Масалан, собиқ «Хонка» ширкат хўжалиғи худудида ташкил этилган муқобил МТП ёнғили учун бир миллион сўм ўтказган эди. Бирок, ёнғили берилмади. Энди эса, пулини ҳам қайтариб ололмапти.

Шу боис фермерлар ҳам, муқобил МТП раҳбарлари ҳам агар ёнғили-мойлаш ашёлари фондида эга бўлиш ҳуқуқи МТПларга берилса, юқоридаги муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлар эди деган фикрни айтмоқдалар. Шунда биринчидан, МТПлар ички эҳтиёжлари учун ҳам, фермерлар буюртмаси билан бериладиган техникалар учун ҳам керакли микдордаги ёнғилига эга бўларди. Иккинчидан, фермерлар ёнғили ташвишидан ҳоли бўлиб, ўзларининг асосий ишларини юривтавердилар.

Хуллас, тегишли тақдирлар томонидан бу масала хар томонлама ва чуқур ўйлаб қўрилса ва энг мақбул тўхтамга келинса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Ҳуқуқшунослар ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги А.Полон-зод бошчилигидаги ҳай'ат ГФРда бўлиб қайтди.

Ташриф давомида мамлакатимиз вакиллари Германия Федерал адлия вазирлиги давлат котиби Х.Гайгер, иктисодий ҳамкорлик ва ривожланиш вазирлиги давлат котиби Э.Шаттер ҳамда Берлин шаҳар сенати адлия департаменти раҳбари В. Кребс билан музокаралар ўтказди.

Мазкур мулоқотлар чоғида томонлар фуқаролик, процессуал, жиноий, суд-маъмурий ҳуқуқи масалалари, жазони ўташ амалиёти борасида фикр алашулар, Немис ҳуқуқшунослари Ўзбекистоннинг минтақа хавфсизлигини таъминлашдаги мақоми юқори баҳолаб, келгусида терроризмга қарши кураш, шунингдек, мамлакат суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини билдирдилар.

Ўзбекистон ҳай'ати Бремен, Карлсруэ ва Лейпциг шаҳарларида ташриф буюриб, Германия адлия муассасалари фаолияти билан яқиндан танишди.

Аслам АКБАРОВ,
«Жаҳон» АА.



ЗУЛФИЯНИНГ ҚИЗИ БЎЛСАМ — бу Дилафрузнинг энг катта орсуси

Асли юқоричирчиқлик, 12-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Дилафруз Ҳасанова болалигиданоқ санъатга иштиёқманд ўсди.

Ота-онаси ҳам қизларининг раъйига қарши боришмади. Уни турли тўғрақларга қатнашишга, рақс санъати ва қўшиқ қуйлаш сирларини астойдил ўрганишга барча имкониятларни яратиб беришди. Бу эса дастлабки мевалярини берди. «Зулфия» номидаги давлат мукофотиға номзодларни танлаш мақсидида туманда ўтказилган «Зулфияхоним қиз-

лари» қўрик танловининг қолиби бўлди. — Мақсад учун доим интиланам, — дейди Дилафруз Ҳасанова. — Чунки инсон ўз орсуси йўлида астойдил курашсагина ниятига етади.

Энди у танловнинг вилоят босқичида иштирок этади. Биз эса унга омад қулиб боқишимиз, Зулфияхоним қизлари қаторига Д. Ҳасанова ҳам қўшилишини истаимиз.

СУРАТДА: Дилафруз Ҳасанова устози Зухра Ваҳובהва билан.

Даврон АХМАД олган сурат.

ПЕДАГОГ КАДРЛАРГА ЭЪТИБОР

Вилоят давлат педагогика институтининг вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқда. Хусусан, бу йил кўлига диплом олаётган 350 нафар ёш мутахассис вилоят мактабларида ишлаш учун ҳозирданоқ шартнома тўзиб қўйди.

Институтимиз асосан вилоят мактаб ва мактабга-ча тарбия муассасаларини олий маълумотли мутахассислар билан таъминлашга йўналтирилган бўлса-да, афсуски, бу борадаги аҳвол кўнглидагидек эмас, — дейди институт ректори Раъшан Жўраев. — Негаки, бизда таълим олаётган талабаларнинг 62 фоизининг вилоят ёшлари ташкил этади.

Айни пайтда Тошкент вилоятидаги 900 га яқин мактабда ўқитувчилар етишмовчилиги жиддий муаммо бўлиб турибди. Мактабгача таълим муассасаларида бу борадаги аҳвол янада мураккаб — тарбиячиларнинг 25 фоизи олий маълумотли, холос.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2008 йилларда Мактаб таълимининг ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишида мактабларни, биринчи навбатда кишолқ жойларидаги мактабларни, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш лозимлиги қайд этилган.

Мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари педагог кадрлари малакасини ошириш, қайта тайёрлаш мақсадида ўрта махсус маълумотли, айни пайтда таълим-тарбия муассасаларида ишлаётган педагог кадрлар учун институтда махсус сиртки бўлим ҳам ташкил этилди. Бу бўлимга бултур 230 нафар йилгит-қиз қабул қилинган эди. Янги ўқув йилида қабул ўрини аяда қўлай-тириш режалаштирилмоқда.

Незмат ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Хўрматли тадбиркорлар ва хўсусийлаштирилган корхона аъзолари!

Сизга шуни маълум қиламизки, 2003 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Давлат мулк кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасида «ишонч телефони» ишлаб турипти. Сиз 136-06-28 телефон рақамини териб, корхонанинг иш фаолиятига юқори ташкилотларнинг (ассоциация, вазирлик, компания, ҳокимият ва х.к.лари) асоссиз аралашганликлари тўғрисидаги ахборотни беришингиз мумкин. Ахборот берувчи сир сақланади.

«Ишонч телефони» хар куни (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00дан 18.00гача ишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси маъмурияти.

КРЕДИТНЫЙ СОЮЗ «ТАРАККИЁТ»	
объявляет о собрании членов кредитного союза о проведении годового собрания, которое состоится 1 июня 2004 года в 10.00 по адресу: г. Ташкент, ул. Мухитдинова, 1, территория «ТОЭМЗ-1».	
Повестка дня:	результатах финансовой деятельности кредитного союза «Тараққиёт» за 2003 г.
1. Отчет наблюдательного совета по итогам деятельности за 2003 г.	2. Утверждение бизнес-плана.
2. Проведение выборов в состав наблюдательного совета.	3. Отчет ревизионной комиссии компании о проделанной работе и итогах аудиторской проверки финансово-хозяйственной деятельности предприятий.
3. Отчет председателя кредитного совета о	4. Распределение прибыли компании за 2003 г., порядок и сроки выплаты дивидендов.
Наблюдательный совет.	
Кредитный союз «Тараққиёт»	
Адрес: Ташкентская область, Кибрайский р-н, с. Хлопчог, ул. Гулистан, п/б 702163.	
Регистрационный номер 11	
ОТЧЕТ О ПРИБЫЛЯХ И УБЫТКАХ	
Наименование статей	1.01.2004
Прочитанные доходы по:	
1. Счетам в банках	149
2. Инвестициям	
3. Ссудам к получению	516
4. Другим источникам	
5. Итого прочитанных доходов (сумма ст. с 1 по 4)	665
Прочитанные расходы по:	
6. Депозитам	
7. Ссудам к оплате	
8. Другим обязательствам	
9. Итого прочитанных расходов (сумма ст. с 6 по 8)	
10. Чистый процентный доход (ст. 5 - ст. 9)	665
11. Комиссионные доходы	
12. Комиссионные расходы	99
13. Чистый комиссионный доход (ст. 11 - ст. 12)	-99
Прочие операционные доходы	
14. Другие текущие доходы	
15. Текущие доходы (ст. 10 + ст. 13 + ст. 14)	
Прочие операционные расходы	
16. Заработная плата и другие расходы на сотрудников	1107
17. Арендная плата за пользование имуществом	
18. Командировочные и транспортные расходы	27
19. Административные расходы	15
20. Другие текущие расходы	
21. Всего прочих операционных расходов (сумма ст. с 16 по 20)	1149
22. Чистые текущие доходы до формирования резервов (ст. 15 - ст. 21)	
23. Оценка возможных убытков - ссуды	
24. Оценка возможных убытков - другие	
25. Чистые текущие доходы до уплаты налогов и других поправок без учета непредвиденных доходов/расходов (ст. 22 - ст. 23 - ст. 24)	-583
26. Непредвиденные доходы за вычетом непредвиденных расходов	
27. Налог на прибыль	
28. Прибыль (убыток) за отчетный период (ст. 25 + ст. 26 - ст. 27)	-583
БАЛАНСОВЫЙ ОТЧЕТ	
Активы	1.01.2004
1. Наличность и другие платежные документы	-
2. Денежные средства в банках	123
3. Ссуды выданные	12205
4. Резервы на возможные потери по ссудам	-
5. Чистая ссудная задолженность (ст. 3 - ст. 4)	12205
6. Инвестиции в ценные бумаги	-
7. Основные средства чистые	-
8. Начисленные проценты к получению	53
9. Активы, приобретенные при ссудных расчетах	-
10. Другие активы	-
11. Всего активов (сумма ст. 1,2,5,6,7,8,9,10)	12381
Пассивы	
12. Совергаемые депозиты	-
13. Срочные депозиты	-
14. Ссуды к оплате	-
15. Начисленные проценты к оплате	13
16. Другие обязательства	606
17. Всего обязательств (сумма ст. с 12 по 16)	619
Капитал	
18. Уставный фонд	12345
19. Резервный фонд	-
20. Безвозмездно полученное имущество	-
21. Благотворительные взносы и гранты	-
22. Нераспределенная прибыль	-
23. Переоценка основных средств	-
24. Чистая прибыль (убыток) за текущий год	-583
25. Всего капитала (сумма ст. с 18 по 24)	11762
26. Всего пассивов (ст. 17 + ст. 25)	12381
Руководитель исполнительного органа Ибрагимов Э.К.	
Главный бухгалтер не предусмотрен.	
Достоверность финансовой отчетности на 1.01.2004 г. подтверждена аудиторской организацией ЧФ «Стругут аудит» (лицензия № 00529 от 16.07.2003 года) и во всех существенных аспектах подготовлена в соответствии с действующим законодательством и принятыми принципами ведения бухгалтерского учета.	
Руководитель организации Бексотова Г. Н.	

